



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
NODAVLAT NOTIJORAT TASHKILOTINI
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILGANLIGI TO'G'RISIDA

GUVOHNOMA

2018 yil 6 aprel 522p-son

**“O'ZBEKISTON KIKBOKSING ASSOTSIATSIYASI”
JAMOAT TASHKILOTI**

Faoliyati hududi: O'zbekiston Respublikasi

Tashkiliy-huquqiy shakli: jamoat birlashmasi

Faoliyatining asosiy maqsadi: tashkilot a'zolarining, shuningdek kikkboksing sport turi mutaxassislari, faxriylari hamda ushbu sport bilan shug'ullanayotgan shaxslarning fuqaroviy, ijtimoiy-iqtisodiy, madaniy huquq va erkinliklarini himoya qilish.

Qo'shimcha ma'lumotlar: ushbu tashkilot muqaddam 2015 yil 27 mayda O'zbekiston havaskor va professional kikkboksing assotsiatsiyasi nomi bilan qayta ro'yxatga olingan va unga 522p-sonli guvoohnoma berilgan.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRI




R. DAVLETOV

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги
томонидан
2018 йил “ 6 ” да
522n -сон билан
“қайта рўйхатга олинган”



Ўзбекистон хаваскор ва
профессионал кикбоксинг
ассоциациясининг
2018 йил 10 февралдаги 2-сонли
Конференция қарори билан
“Тасдиқланган”



“O’ZBEKISTON KIKBOKSING ASSOTSIATSIYASI”

JAMOAT TASHKILOTI

УСТАВИ

(ЯНГИ ТАХРИРДА)

Тошкент - 2018

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. “Ўзбекистон кикбоксинг Ассоциацияси” жамоат ташкилоти (Кейинчалик - Ассоциация) аъзоликка асосланган, ўз ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда спорт соҳасидаги қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хоши-иродаларини эркин билдиришлари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилма ҳисобланади. Ассоциация муқаддам “Ўзбекистон хаваскор ва профессионал кикбоксинг ассоциацияси” номи билан 2015 йил 27 майда 522п-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

1.2. Ассоциациянинг тўлиқ номи:

Ўзбек тилида:

лотин алифбосида: “O‘zbekiston kikkboxing assotsiatsiyasi” jamoat tashkiloti;

кирилл алифбосида: “Ўзбекистон кикбоксинг ассоциацияси” жамоат ташкилоти;

рус тилида: Общественная организация “Ассоциация кикбоксинга Узбекистана”;

инглиз тилида: Public organization «Kickboxing Assosiation of Uzbekistan»;

1.3. Ассоциациянинг қисқа номи:

Ўзбек тилида:

лотин алифбосида: “O‘zbekiston kikkboxing assotsiatsiyasi”, О’КА;

кирилл алифбосида: “Ўзбекистон кикбоксинг ассоциацияси”, ўКА;

рус тилида: “Ассоциация кикбоксинга Узбекистана”, АКУ;

инглиз тилида: «Kickboxing Assosiation of Uzbekistan», КАУ.

1.4 Ассоциациянинг ташкилий-ҳуқуқий шакли – жамоат бирлашмаси.

1.5. Ассоциация ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонун ва амалдаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойиллари ва нормалари, шунингдек мазкур устав асосида амалга оширади.

1.6. Ассоциация ўз аъзолари (қатнашчилари)нинг ихтиёрийлиги ва тенг ҳуқуқлиги, ўзини ўзи бошқариш, қонунийлик ва ошқоралик тамойиллари асосида тузилган ва ҳаракат қилади.

1.7. Ассоциация республика жамоат бирлашмаси ҳисобланадиган ўз фаолиятини бутун республика ҳудудида ўзининг ҳудудий бўлинмалари орқали амалга оширади.

1.8 Ассоциация ўз фаолиятини кикбоксинг спорт турининг иккити йўналиши - хаваскорлик ва профессионал (касб-корлик) йўналишлари бўйича амалга оширади ва ривожлантиради.

1.9. Ассоциациянинг доимий фаолият олиб боровчи раҳбар органи жойлашган манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, А.Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2 уй.

2. АССОЦИАЦИЯНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ.

2.1. Ассоциациянинг асосий мақсадлари:

(1) ассоциация аъзоларини, кикбоксинг билан шуғулланаётган шахсларни, мутахассислар ва кикбоксинг ветеранларини фуқаролик, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ҳамда эркинликларни рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш;

(2) спортчиларни фаоллиги ва ташаббускорлигини, давлат ва жамият ишларини бошқаришда уларнинг иштирок этишини ривожлантириш;

(3) спортчиларнинг профессионал (касб-кор) ва хаваскорлик қизиқишларини қондириш;

(4) аҳолининг сihat-саломатлигини мастаҳкамлашда иштирок этиш, уларга соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва хайрия фаолиятида қатнашиш;

(5) маданий-маърифий, физкультура-соғломлаштириш ва спорт ишларини ўтказиш;

(6) аҳолининг кенг қатламини спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланишга жалб этиш;

(7) ватанпарварлик ва инсонпарварлик тарбияси;

(8) спорт соҳасида республикалараро ва халқаро алоқаларни кенгайтириш, улар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш;

(9) кикбоксинг спорт турини ўрганиш, дарс бериш, ривожлантириш ва тайёрлаш тизимини тартибга солишга кўмаклашиш;

(10) кикбоксинг билан шуғулланаётган шахсларнитехник маҳоратини оширишга кўмаклашиш;

(11) Ўзбекистон аҳолисини доимий равишда жисмоний тарбия ва спорт билан, шу жумладан кикбоксинг билан шуғулланишга жалб этиш ва соғлиқни саклаш усулларини ўргатиш орқали уларни соғломлаштиришга кўмаклашиш;

2.2. Устав мақсадларига мувофиқ Ассоциация қонунчиликка асосан қуйидаги вазифаларни ҳал этади:

(1) Ўзбекистон терма жамоалари мавқеига мувофиқ равишда фаолият юритувчи Ўзбекистон кикбоксчилари терма жамоасини шакллантиришда кўмаклашиш;

(2) инсон организмнинг тиббий, биофизик, биомеханик, психологик ва бошқа факторларига кикбоксинг билан шуғулланишнинг таъсирини илмий асосида ўрганиш;

(3) кикбоксинг бўйича спортчиларни, малакали инструкторларни, олий категориядаги судьяларни тайёрлашни ташкил этиш;

(4) ўз ҳаёти давомида ёрдамга мухтож бўлиб қолган спортчиларга моддий, тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича дастурларни тайёрлаш ва татбиқ этишга кўмаклашиш;

(5) турли даражадаги спорт мусобақаларига иштирок этиш учун кикбоксинг бўйича терма жамоаларни шакллантириш ва тайёрлашга кўмаклашиш;

(6) кикбоксингни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун маҳаллий ва хорижий инвесторлар ва хомийларни кенг жалб этиш;

(7) кикбоксинг бўйича спорт мактаблари, секциялар, гуруҳлар, клублар ва марказларни ташкил этишда кўмаклашиш ва уларнинг фаолиятида иштирок этиш;

(8) ассоциация мавзуси бўйича спорт йиғинлари ва лагерларни ташкил этиш, семинар, конференция, учрашув ва кўргазмалар ўтказиш;

(9) ассоциация фаолиятига кикбоксинг бўйича маҳаллий ва хорижий мутахассисларни жалб этиш;

(10) кикбоксинг бўйича болалар ва усмирлар спорт мактабларини ташкил этишда кўмаклашиш;

(11) кикбоксинг бўйича мусобақаларни ўтказиш тўғрисида Низом ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

(12) кикбоксинг бўйича маълумотлар базасини яратиш, кутубхона ва видеотека ташкил этиш, илмий асосланган ўқув-услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш, дастурлар ва ўқув фильмларни яратиш, Ассоциация соҳасига алоқадор бўлган шахслар ва ташкилотларга консултатив ва амалий ёрдам кўрсатиш;

(13) ассоциация аъзоларига, Ассоциация тизимидаги ўқув мажмуаларида шуғулланаётган барча шахсларга, кикбоксинг ветеранларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш;

(14) ассоциация тизимидаги бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштириш, улар ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш;

(15) жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилган мақсадли давлат ва муниципал дастурларни амалга оширишга кўмаклашиш;

(16) ассоциация доирасида ўтказиладиган спорт йиғинлари ва мусобақаларда тиббий назоратни ташкил этишда ва допинг-назоратини ўтказишда кўмаклашиш.

(17) тренерлар, спортчилар ва спорт мутахассисларига керакли маслаҳат, методик ва бошқа ёрдам кўрсатишга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш;

(18) ассоциация доирасида кикбоксинг бўйича халқаро, республика ва худудий мусобақаларни, турнирларни, фестивал ва кўргазмали чиқишларни ташкил этиш ва ўтказиш ёки ташкил этишда иштирок этиш;

(19) кикбоксингни келиб чиқиши ва ривожланиш тарихини ўрганиб бориш;

(20) ветеран ва ногирон бўлган спортчиларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган дастурларни амалга оширишда кўмаклашиш;

(21) кикбоксинг бўйича ахборот-маълумот материалларини, оммабоп спорт адабиётини, кўргазмали қўлланма воситаларини, кино-видео маҳсулотларини қонунчиликда белгиланган тартибда тайёрлаш, чоп этиш ва тарқатиш;

(22) хорижий ва халқаро спорт ташкилотлари билан алоқалар ўрнатиш ва қўллаб-қувватлаш, кикбоксингни тарғиб қилиш ва ривожлантириш бўйича самарали халқаро ҳамкорлик тизимини яратишга кўмаклашиш;

(23) Электрон ва босма оммавий ахборот воситаларида ҳамда бошқа ижтимоий ахборот тармоқларида қонунчиликда белгиланган тартибда ахборот фаолиятни амалга ошириш.

2.3. Ассоциация қонунчилик ва ўз устави билан таъқиқланмаган, устав мақсадлари ва вазифаларини бажаришга йўналтирилган бошқа фаолиятлар билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

3. АССОЦИАЦИЯНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

3.1. Ассоциация давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб юридик шахс ҳисобланади ва у мустақил балансига, миллий ва хорижий валюталардаги ҳисоб рақамларига, эмблемсига, бланкалари, ўз номи ва рамзи кўрсатилган муҳрига эга бўлади.

3.2. Ассоциация ўз эгалигида мустақил мулкга эга бўлиши ва мажбуриятлари бўйича ушбу мулки билан жавоб бериши, ўз номидан мулкӣ ва номулкий ҳуқуқларни сотиб олиши, мажбуриятларни бажариши, судларда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

3.3. Ассоциация ўз мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун қўйидаги ҳуқуқларга эгадир:

(1) ўз фаолияти ҳақидаги маълумотларни эркин тарқатиш;

(2) қонунчиликда белгиланган тартибда давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари қарорларини тайёрлашда иштирок этиш;

(3) қонунчиликда белгиланган тартибда йиғилишлар, чиқишлар, митинглар ва намойишлар ўтказиш;

(4) оммавий ахборот воситаларини ташкил этиш ва ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

(5) давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек бошқа жамоат бирлашмаларида ўз ҳуқуқ ва манфаатларини, шунингдек, аъзоларининг қонуний манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш;

(6) жамоат ҳаётидаги турли масалалар бўйича ташаббус билан чиқиш, давлат ҳокимияти органларига таклифлар киритиш;

(7) халқаро алоқалар ва контактларни ўрнатиш ва қўллаб-қувватлаш;

(8) жамоат ташкилотлари учун амалдаги қонунчилик билан белгиланган барча ҳуқуқ ва ваколатларни тўлиқ ҳажмда амалга ошириш;

3.4. Ассоциация қонунчиликда белгиланган тартибда ўз устав мақсадларига мувофиқ келувчи тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши, шу жумладан ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириши мумкин.

Ассоциация юридик шахс мақомига эга бўлган бошқа ҳужалик жаҳиятларини ташкил этиши мумкин.

Тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромад Ассоциация аъзолари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас ва у фақат Ассоциация устав мақсадларига эришиш учун сарфланиши мумкин.

3.5. Ассоциациянинг мажбуриятлари:

(1) Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, халқаро ҳуқуқнинг ўз фаолиятига оид умумэътироф этилган тамойил ва нормалари, шунингдек мазкур Устав нормаларига риоя қилиш;

(2) Ўз мулкнинг ишлатилиши тўғрисидаги ҳисобот билан таниши имкониятини яратиш;

(3) Ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни қонунчиликда белгиланган муддатда рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этиш;

(4) рўйхатдан ўтказувчи органнинг сўровига асосан Ассоциациянинг раҳбар органлари ва мансабдор шахсларнинг қарорларини тақдим этиш;

(5) ассоциация томонидан ўтказиладиган тadbирларга рўйхатдан ўтказувчи орган вакилларини эркин киришини таъминлаш;

(6) рўйхатдан ўтказувчи орган вакилларига ассоциациянинг фаолияти билан танишишлари жараёнида уларга ёрдам кўрсатиш;

4. АССОЦИАЦИЯ АЪЗОЛАРИ, УЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Ассоциация мақсадлари ва вазифаларини тан олувчи, Устав талабларига риоя этувчи ва белгиланган кириш бадалини тўлаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ассоциация аъзолари бўлишлари мумкин.

4.2. Ассоциация аъзолигига кириш ва ундан чиқиш ихтиёрий ҳисобланади ва ассоциацияга аъзо бўлувчиларнинг ёши чегараланмаган.

4.3. Жисмоний шахсларни аъзоликка қабул қилиш уларнинг ёки ота-онасининг аризасига кўра амалга оширилади.

4.4. Аъзолика қабул қилиш Ассоциация раҳбар органи буйруғи билан расмийлаштирилади ва ҳар бир аъзога унинг аъзолигини тасдиқловчи “Спорт паспорти” бериледи.

4.5. Ассоциация аъзолигидан чиқиш эркин ҳисобланади ва бу ҳолатда Ассоциация раҳбар органи буйруғи талаб этилмайди.

4.6. Ассоциация аъзоси қуйидаги ҳолларда Ассоциация раҳбар органининг буйруғи асосида мажбурий тартибда аъзоликдан чиқарилиши мумкин:

(1) Устав талабларига риоя этмаганда;

(2) Ассоциация раҳбар органларининг ваколат доирасида қабул қилинган қарор ва қўрсатмаларини бажармаганда;

(3) Ассоциация обрўига путур етказадиган ҳаракатларни содир этганда.

4.7. Ассоциация аъзолари тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар.

4.8. Ассоциация аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:

(1) Ассоциация фаолиятида иштирок этиш;

(2) Ассоциациянинг ҳудудий бўлинмаси фаолиятида иштирок этиш, делегат сифатида сайланган тақдирда – Конференция фаолиятида иштирок этиш;

(3) Ассоциация ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг сайланадиган органларига сайлаш ва сайланиш;

(4) Ассоциациянинг барча раҳбар органларига унинг фаолиятини ташкиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

(5) Ассоциациянинг барча раҳбар органларига ариза билан мурожаат этиш ва ариза қилинган бўйича тегишли жавоб олиш;

(6) Ассоциациядан чиқиш;

4.9. Ассоциация аъзоларининг мажбуриятлари:

(1) Устав талабларига риоя этиш ва Ассоциация раҳбар органларининг ваколат доирасида қабул қилинган қарор ва топшириқларини бажариш;

(2) Ассоциациянинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда бевосита иштирок этиш;

(3) аъзолик бадалларини тўлаш.

4.10. Ассоциацияга аъзоликка қабул қилиш ва аъзоликдан чиқишнинг батафсил тартиби “Ассоциацияга аъзолик тўғрисида”ги Низомда белгиланади.

5. АССОЦИАЦИЯНИНГ РАХБАР ОРГАНЛАРИ

5.1. Ассоциациянинг олий рахбар органи тўрт йилда камида бир мартаба чақириладиган Конференция ҳисобланади.

5.2. Ассоциация Конференцияси Ижроия кўмитаси томонидан чақирилади.

5.3. Навбатдан ташқари Конференция, унинг ваколатига киритилган масалалар бўйича қарор қабул қилиши зарурати туғилган ҳолларда, қуйидаги тартибда чақирилиши мумкин:

-Ижроия кўмитасининг қарорига кўра;

-Ассоциация Президенти буйруғига кўра;

- ҳудудий бўлинмаларнинг камида 1/3 қисми қарорига кўра.

5.4. Навбатдан ташқари Конференция уни чақириш ҳақидаги қарор қабул қилинган кундан бир ойдан сўнг ўтказилиши лозим.

5.3. Конференция ваколатларига қуйидагилар киритилади:

(1) Ассоциация уставини тасдиқлаш, унга кўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ёки янги тахрирда тасдиқлаш (қарор кворумни ташкил этувчи делегатларнинг камида $\frac{3}{4}$ қисми овози билан қабул қилинади);

(2) Ассоциацияни қайта ташкил этиш ва уни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш (қарор кворумни ташкил этувчи делегатларнинг камида $\frac{3}{4}$ қисми овози билан қабул қилинади);

(3) Ассоциация Президентини 4 йил муддатга сайлаш, мазкур Устав талабларини бузган тақдирда унинг ваколатини муддатидан олдин тўхтатиш (қарор кворумни ташкил этувчи делегатларнинг камида $\frac{3}{4}$ қисми овози билан қабул қилинади);

(4) Ассоциация Ижроия кўмитаси аъзоларининг сонини белгилаш ва уларни 4 йил муддатга сайлаш, шунингдек мазкур Устав талабларини бузган тақдирда уларнинг ваколатини муддатидан олдин тўхтатиш (қарор кворумни ташкил этувчи делегатларнинг камида $\frac{3}{4}$ қисми овози билан қабул қилинади);

(5) Ассоциация фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш, узок муддатли дастурлар ва Ассоциациянинг келгусидаги иш режаларини тасдиқлаш;

(6) Ассоциация ва унинг ҳудудий бўлинмалари ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий қарорларини белгилаш;

(7) Ассоциация Ижроия кўмитаси ва аудиторлик ташкилоти ҳисоботларини тасдиқлаш;

(8) Конференция Ассоциациянинг мақсадларига эришиш борасидаги фаолиятининг йиллик ҳар қандай масалалари бўйича қарор қабул қилиш ваколатига эгадир.

5.4. Конференция агар унда ҳудудлардан сайланган барча делегатларнинг камида $\frac{2}{3}$ қатнашган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Конференцияда иштирок этиш учун ҳудудлардан икки нафардан делегатлар қабул қилинади.

Конференцияни чақириш ҳақидаги қарор (буйруқ)да унинг кун тартиби, ўтказиш вақти ва жойи аниқ кўрсатилган бўлиши лозим.

Конференцияда қарорлар очик овоз бериш усули асосида* иштирокчи делегатларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади (овоз беришнинг алоҳида қарор қилинган ҳоллари бундан мустасно).

Рахбар органларнинг ваколат муддати тугаган тақдирда Конференция кўпи билан қарор билан бу муддат ичида ўтказилиши лозим.

5.5. Конференциялар оралиғидаги муддатда Ассоциациянинг раҳбар органи Ижроия қўмитаси ҳисобланади.

Ижроия қўмитаси Ассоциация аъзолари орасидан тўққиз киши тарикбида тўрт йил муддатга сайлаб олинади ва доимийлик асосида фаолият кўрсатади.

5.6. Ассоциация Президенти ва Бош котиб лавозимига кўра Ижроия қўмитаси аъзоси ҳисобланади.

5.7. Ижроия қўмитаси йиғилишлари заруратга қараб, бироқ, бир йилда камида бир маротаба ўтказилади.

5.8. Ижроия қўмитаси, агар унда аъзоларнинг камида $\frac{3}{4}$ қисми иштирок этаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади.

5.9. Ижроия қўмитаси қарорлари очик овоз бериш йўли орқали иштирокчиларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

5.8. Ижроия қўмитаси ваколатлари:

(1) Ҳудудий бўлинмалар Умумий йиғилишларининг қарорларидан норози бўлиб ёзилган шикоятларни кўриб чиқиш;

(2) Ассоциация аъзолигидан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

(3) Кириш ва аъзолик бадаллари миқдори ва тўлаш тартибини белгилаш;

(4) Ассоциациянинг маблаглари ва мулкларини тасарруф этиш;

(5) Ассоциациянинг хўжалик фаолиятини бошқариш;

(6) Ассоциацияни бошқа маҳаллий ва халқаро жамоат бирлашмаларига аъзо бўлиши тўғрисида қарор қабул қилиш;

(7) Ассоциация томонидан турли хўжалик жамиятлари (тижорат ташкилотлари) ва нотижорат ташкилотларини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

(8) филиал, бўлинма ва ваколатхоналарни ташкил этиш (туғатиш) тўғрисида қарор қабул қилиш ва улар тўғрисидаги устав ва низомларни тасдиқлаш;

(9) Ассоциация Вице-Президентлари ва Бош котибининг тўрт йил муддатга сайлаш ва Устав талабларига риоя этмаган ҳолларда уларнинг ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш;

(10) Навбатдаги ва навбатдан ташқари Конференцияни чақириш;

(11) Ассоциациянинг даромадлар ва харажатлар сметасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, ҳисобот ва бухгалтерия балансларини тинглайди;

(12) Ассоциация фаолияти йўналишлари бўйича қўмита ва комиссияларни тузиш;

(13) Конференция қарорлари ижросини ташкил этиш ва назорат қилиш;

(14) Ўз фаолияти тўғрисида Конференцияга ҳисобот бериш;

(15) Конференция фаолиятига оид ҳар қандай масала бўйича қарор қабул қилиш (Конференция ваколатига киритилган масалалар бундан мустасно);

5.9. Ассоциация Президенти Конференция томонидан 4 йил муддатга аъзолар орасидан сайланади.

5.10. Ассоциация Президенти ваколатлари:

(1) Ассоциация фаолиятига жорий раҳбарликни амалга ошириш;

(2) Конференция ва Ижроия қўмитаси йиғилишларида раислик этиш, унинг ҳужжатларни имзолаш;

(3) Навбатдан ташқари Конференцияни чақириш тўғрисида қарор (буйруқ) қабул қилиш;

(4) Ассоциация фаолияти бўйича дастурларни кўриб чиқиш учун Конференция ва Ижроия қўмитасига киритиш;

(5) Ассоциация номидан ишончномасиз ҳаракат қилади, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини бошқа давлат ва нодавлат корхона, ташкилот ва муассасаларда ифодалайди;

(6) барча молиявий-хўжалик ва бухгалтерия ҳужжатларини имзолайди, банк ҳисоб рақамларини очади, турли битмларни тузади, молиявий ҳужжатларда биринчи имзо ҳуқуқидан фойдаланади;

(7) Ассоциация фаолиятига оид буйруқлар, фармойишлар, топшириқ ва инструкциялар чиқаради;

(8) Ассоциацияга ходимларни меҳнат қонунчилигига асосан ишга олади, уларни рағбатлантиради ва жазо чораларини қўллайди;

(9) Ассоциациянинг филиал, бўлинма ва ваколатхона раҳбарларини лавозимга тайинлайди ва эгаллаб турган лавозимидан озод этади;

(10) Ассоциациянинг ташкилий тузилмаси, штат жадвали ва иш ҳақи фондини тасдиқлайди;

(11) Ходимларни иш ҳақи фонди доирасида рағбатлантириш тўғрисида қарор қабул қилади;

(12) Ассоциация Конференцияси ва Ижроия қўмитаси йиғилишларининг баённомаларини юритилишини ташкил этади;

(13) Ижроия қўмитаси аъзоларининг лавозим мажбуриятларини;

(14) Конференция ва Ижроия қўмитаси қарорлари ижросини ташкил этади ва назорат қилади;

(15) Мазкур уставда белгиланган мақсадларни амалга ошириш билан боғлиқ вазифаларни бажаради;

5.11. Ассоциация Президенти ўз иш жойида бўлмаган тақдирда унинг тўлиқ ваколатларини вақтинча бажариш Ассоциация Бош қотиби ёки Ассоциация Президенти буйруғи асосида тайинланган шахс зиммасига юкланади.

5.12. Ассоциация Бош қотиби ваколатлари:

(1) Ассоциацияни ходимлар билан шакллантириш чораларини қўриш;

(2) Ассоциация фаолиятининг ташкилий ва иш юритиши билан боғлиқ масалаларини ҳал этиш;

(3) Ассоциация Конференцияси ва Ижроия қўмитаси муҳокамасига киритиладиган ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш;

(4) Конференция ва Ижроия қўмитаси йиғилишларини ташкил этиш, уларнинг қарорлари ижросини ташкил этиш ва таъминлаш;

(5) Ишончнома асосида Ассоциация номидан ва унинг манфаатида иш юритиш, барча давлат ва нодавлат корхона, ташкилот ва муассасаларда Ассоциацияни ифодалаш;

(6) Ассоциация номидан чиқариладиган хат ва ҳужжатларни (молиявий ҳужжатлар бундан мустасно) имзолаш;

(7) ходимларни ишга қабул қилиш ва уларни эгаллаб турган лавозимидан озод этишни ташкиллаштириш;

(8) Конференция ва Ижроия қўмиталари йиғилишларининг кун тартиблари лойиҳаларини тайёрлаш;

(9) Ижроия қўмитаси топшириғи асосида турли ахборотлар, ҳисоботлар, таҳлиллар ва маълумотларни тайёрлаш;

(10) Иш режалари, ҳисоботлар ва молиявий ҳужжатларни тайёрлашда иштирок этиш;

(11) Ассоциациянинг турли услубий қўлланмаларини ва бошқа ички норматив ҳужжатларини тайёрлаш ва чоп этишни ташкил этиш;

(12) Судьялар ва тренерларнинг малакасини ошириш бўйича семинарлар ўтказилишини ташкил этиш;

(14) Турли спорт ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

(15) Ассоциация Ижроия қўмитаси ва Президенти томонидан белгиланган бошқа вазифаларни бажариш;

5.15. Ассоциацияда назорат-тафтиш комиссиясини тузиш кўзда тутилмайди.

5.16. Ассоциациянинг молиявий-ҳўжалиқ фаолияти устидан назоратни Ижроия қўмитаси қарори асосида тайинланган аудиторлик ташкилоти амалга оширади.

5.17. Ассоциациянинг молиявий-ҳўжалиқ фаолияти устидан аудиторлик ташкилоти бир йилда бир мартаба амалга оширилади.

6. АССОЦИАЦИЯ БЎЛИНМАЛАРИ

- 6.1. Ассоциация тизимини унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этади.
- 6.2. Ассоциациянинг ҳудудий бўлинмалари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фақат биттадан ташкил этилади.
- 6.3. Ассоциациянинг ҳудудий бўлинмалари Ассоциация Устави ва Бўлинманинг таъсис ҳужжатлари асосида фаолият юритади.
- 6.4. Бўлинмалар қонунчиликда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг юридик шахс мақомига эга бўлади.
- 6.5. Ассоциация ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг мол-мулкларни бошқари билан боғлиқ ҳуқуқлари амалдаги қонунчилик, Ассоциация ва Бўлинма таъсис ҳужжатлари ва бошқа локал ҳужжатлар асосида белгиланади.
- 6.6. Ҳудудий бўлинмаларнинг ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиблари, мақсад ва вазифалари, раҳбар органлари таркиби ва ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳисобот топшириш тартиби ва бўлинмалар фаолияти билан боғлиқ бошқа қондалар Бўлинмаларнинг Низомида белгиланади.

7. АССОЦИАЦИЯНИНГ МОЛ-МУЛКИ ВА МАБЛАГЛАРИ

- 7.1. Ассоциация ўз фаолиятини моддий-техники жихатидан таъминлаш учун амалдаги қонунчиликка мувофиқ бино ва иншоотларга, уй-жой фондларига, ер участкаларига, транспортга, асбоб-ускуна ва жихозларга, мадани-маърифий ва соғломлаштириш мулкларига, миллий ва хорижий валютадаги пул маблағларига, кимматбаҳо қоғозлар ва бошқа мол-мулкларга эга бўлиши мумкин.
- 7.2. Ассоциация ўз мажбуриятлари бўйича қонунчиликка асосан ундирув қаратилиши мумкин бўлган мулклар билан жавоб беради.
- 7.3. Ассоциациянинг мол-мулки ва пул маблағларини шакллантириш манбаалри қуйидагилар ҳисобланади:
- (1) юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий равишда ўтказган пул ва хайриялар, ихтиёрий бадал ва бегараз ёрдамлари, шунингдек хомийлик тушумлари;
 - (2) кириш, аъзолик ва бошқа мақсадли бадаллар;
 - (3) фуқаролик-ҳуқуқий битимлардан бўлган даромад;
 - (4) тадбиркорлик, шу жумладан, ташқи иқтисодий фаолиятдан бўлган даромадлар;
 - (5) мазкур Устав асосида ўтказиладиган спорт мусобақалари, лекциялар, кўргазмалар, лотереялар, аукцион ва бошқа тадбирларни ўтказишдан, шунингдек босма маҳсулотни чоп этиш ва тарқатишдан тушган тушумлар;
 - (6) спорт тадбирларини телевидение ва бошқа интернет тармоқлари орқали трансляция қилиш ва рекламага бўлган ҳуқуқини сотишдан тушган тушумлар;
 - (7) спорт соҳасидаги давлат бошқарув органлари, Миллий ва Халқаро Олимпия қўмиталари, бошқа давлат ва нодавлат ташкилотларининг маблағлари;
 - (8) қонунчилик билан таъқиқланмаган бошқа тушумлар.

8. АССОЦИАЦИЯ ТОМОНИДАН ШАКЛЛАНТИРИЛАДИГАН ТЕРМА ЖАМОА ТАРКИБИГА СПОРТЧИЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ МЕЗОНЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ ТАРТИБИ

- 8.1. Ассоциация шакллантирадиган терма жамоа таркибига спортчиларни танлаб олиш мезонлари Ассоциация томонидан мазкур Устав ҳамда “Кикбоксинг бўйича Ўзбекистон Республикаси мусобақалари тўғрисида”ги Низомга асосан белгиланади.

8.2. Терма жамоа таркибига спортчиларни танлаб олиш мезонлари Ассоциациянинг Тренерлар кенгаши томонидан ишлаб чиқилади ва Ассоциация Президенти томонидан тасдиқланади.

Спортчиларни танлаб олиш мезонлари тасдиқланганидан сўнг 10 кун ичида ассоциациянинг расмий сайтида эълон қилиниши ҳамда барча спортчи ва аъзоларга тасдиқлиниши лозим.

8.3. Терма жамоа таркибига киритиш учун танлаб олинган спортчи ўзининг умумий соғлиги тўғрисида тиббий маълумотномани Ассоциацияга тақдим этиши лозим.

8.4. Кикбоксинг бўйича Ўзбекистон Республикаси терма жамоаси таркибига психологик жihatдан мустаҳкам, оғир мусобақа шароитларига тезкор мослашувчан, махсус жисмоний ва техник-тактик тайёргарлик кўрган, республика ва халқаро спорт мусобақаларда юқори кўрсаткичларни эгаллаган спортчилар киритилади.

8.5. Спортчиларни спорт жамоаларига танлаб олишда қўйидаги тамойилларга асосланилади:

- танлаб олишда тенг шароитлар яратилганлиги;
- танловнинг объективлиги (спортчининг шахсий сифатларива ютуқлари инобатга олинади);
- терма жамоаларни шакллантириш ҳақидаги маълумотларнинг ошқоралиги;

9. АССОЦИАЦИЯ ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛАДИГАН РАСМИЙ СПОРТ ТАДБИРЛАРИНИ ДАВРИЙЛИГИНИ ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ

9.1. Ассоциациянинг кейинги йил учун расмий спорт тадбирлари календарь режасижорий йилнинг ноябрь ойида ишлаб чиқилади ва Ассоциация Президентитомонидан тасдиқланади.

10. АССОЦИАЦИЯНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ ТАРТИБИ

10.1 Ассоциациянинг фаолияти уни қайта ташкил этиш (қўшилиш, бирлашиш, ажралиш) ёки тугатиш йўли билан тўхтатилиши мумкин.

Ассоциация унинг Конференцияси қарори билан қайтадан ташкил этилиши мумкин. Ассоциацияни қайта ташкил этгандан сўнг қайта ташкил этилган юридик шахс белгиланган тартибда рўйхатга олинishi лозим.

Ассоциация Конференция ёки суднинг қарорига мувофиқ тугатилади.

10.2. Ассоциацияни қайта ташкил этиш ва тугатиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

10.3. Ассоциацияни қайта ташкил этиш ёки уни тугатиш тўғрисидаги қарор Конференция томонидан унда иштирок этаётган делегатларнинг камида $\frac{3}{4}$ қисми овози билан қабул қилинади.

10.4. Қайта ташкил этиш жараёнида Ассоциациянинг барча мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқлари қонунчилиқда белгиланган тартибда ҳуқуқӣ ворисига ўтади.

10.5. Ассоциацияни тугатиш Конференциянинг ёки суднинг қарори асосида тайинланган тугатиш комиссияси томонидан амалга оширилади. Тугатиш комиссияси тугатиш тартиби ва муддатларини белгилайди.

10.6. Тугатиш жараёнида бюджет ва бошқа кредиторлик қарзлар тўланганидан сўнг Ассоциация ихтиёрида қоладиган маблағ ва мол-мулклар унинг устав мақсадлари учун сарфланади, низоли ҳолларда эса суднинг қарори асосида белгиланган мақсадлар учун сарфланади.

11. АССОЦИАЦИЯНИНГ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ

11.1. Ассоциация ўз устав мақсадлари ва вазифаларига мувофиқ келадиган ва ушбу мақсад ва вазифаларга эришишга қаратилган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин.

11.2. Ассоциациянинг тадбиркорлик фаолияти Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

11.3. Ассоциация Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, шунинг ундан ташқарида ўз номидан битимлар ва бошқа юридик актларни амалга ошириши мумкин, шу жумладан кредит, олди-сотди, ижара, айрбошлаш, пудрат, займ, ташиш, қўрилиш ва бошқаларни, аукцион, ким ошди савдолари, кургазма ва ярмаркаларга иштирок этиши, ҳар қанақа кучар ва кучмас мол-мулкларни куриш, ижарага олиш ва бериш, тасарруф этиш ва хоказо ҳаракатларни амалга ошириши мумкин.

11.4. Ассоциация ўз тадбиркорлик фаолиятини мустақил режалаштиради ва ташқи иқтисодий алоқаларни амалга оширади.

11.5. Ассоциация турли хўжалик жамиятлари ва ташкилотларини ташкил этиши, шунингдек бошқа тадбиркорлик субъектлари фаолиятида иштирок этиши мумкин.

Ассоциация томонидан ташкил этилган хўжалик жамиятлари ва ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга тўловларни амалга оширадilar.

11.6. Тадбиркорлик фаолияти давомида олинган даромадлар Ассоциация аъзолари ўртасида тақсимланмайди ва у фақат устав мақсадлари ва вазифаларини рўёбга чиқариш учун ишлатилиши мумкин.

11.7. Ассоциация ўз маблағлари ва мулкларини хайрия мақсадларида ишлатиши мумкин.

11.8. Ассоциациянинг тадбиркорлик фаолияти устидан назорат Ассоциация Ижроия қўмитаси ва Президенти, шунингдек қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли давлат органлари томонидан амалга оширилади.

12. УСТАВГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

12.1. Уставга киритиладиган қўшимча ва ўзгартиришлар Ассоциациянинг Конференцияси қарори асосида амалга оширилади ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади.

Уставга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қарор Конференция томонидан унда иштирок этаётган делегатларнинг камида $\frac{3}{4}$ қисми овозибилан қабул қилинади.

12.2. Қўшимча ва ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган тартибда амалга оширилади.

12.3. Қўшимча ва ўзгартиришлар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб қонуний кучга киради.

13. АССОЦИАЦИЯ РАМЗИ

13.1. Ассоциациянинг рамзи сифатида унинг эмблемасидан фойдаланилади.

13.2. Раамзининг мақоми, намунаси ва эскизлари Ассоциация Ижроия қўмитаси томонидан тасдиқланади.

13.3. Ассоциация ўз логотипига, дипломига, ёрлиғига, медалларига, жетонларига, вимпелларга, махсус нишон (значок)га, расмий ҳажжатлар учун тамға ва бланкаларга эга бўлиши мумкин.

13.4. Ассоциация раамзи қонунчиликда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади.

14. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

14.1. Ассоциациянинг барча ходимлари, аъзолари, кўмиталари, хайъатлари, комиссиялари, кенгашлари ва бошқа органлари ўз фаолиятларини Ассоциациянинг Устави ва бошқа расмий ҳужжатлари, раҳбар органларинг ваколати доирасида қабул қилган қарорлари талабларига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширадилар.

14.2. Мазкур Уставда кўзда тутилмаган ҳар қандай масала, Конференция ваколатига киритилган масалалардан ташқари, Ижроия кўмитаси томонидан кўриб чиқилади ва ҳал этилади. Ижроия кўмитаси қарори якуний ва ижро учун мажбурий ҳисобланади.

Ассоциация Президенти



А.Нарметов

Ushbu hujjat davlat ro'yxatiga olingan va davlat ro'yxatiga olingan hujjat sifatida qabul qilinadi. Hujjatning mavzusi va mazmuni davlat ro'yxatiga olingan hujjat sifatida qabul qilinadi. Hujjatning mavzusi va mazmuni davlat ro'yxatiga olingan hujjat sifatida qabul qilinadi.



[Handwritten signature]

